



EOC
EUROASIAN
ONLINE
CONFERENCES

GERMANY

CONFERENCE

**INTERNATIONAL CONFERENCE ON
SCIENCE, ENGINEERING AND
TECHNOLOGY**



Google Scholar

zenodo

OpenAIRE

doi digital object
identifier

eoconf.com - from 2024



Наманган вилояти енгил саноат корхоналари ишчилари меҳнат шароитларига доир айрим фикр-мулоҳазалар (XX асрнинг 40-50 йиллари)

Турғунов Шерзод Абдувоситович

Фарғона давлат университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси

таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада ўтган асрнинг 40-50- йилларида Наманган вилоятида фаолият олиб борган енгил саноат корхоналарининг ишчи хизматчиларининг яшаш тарзи, уларнинг моддий ахволи ва улар учун яратилган шарт –шароитлар ,енгил саноат корхоналари ишчи-хизматчилари ўртасида ўтказилган турли спорт мусобақалари ҳақида қисқача маълумот берилган. Шунингдек ушбу мақолада енгил саноат корхоналарининг ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари учун ташкил етилган сихатгохлар ва ёзги лагерлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Велопойга, шахмат-шашка мусобақаси, Вилоят саноат уюшмаси (Облпромсоюз), Вилоят инвалидлар уюшмаси (Облинкоопсоюз), Вилоят саноат суғурта кассаси (Облпромстрахх касса), Вилоят касаба уюшмалари союзи (Облпрофсоюз), Чортоқ сихатгохи.

Ўтган асрнинг 40-50 – йилларида Наманган вилоятида кўплаб саноат корхоналари фаолият олиб борган.Бу саноат корхоналари орасида енгил саноат корхоналари ўзига хос ўрин тутган. Вилоятда фаолият олиб бораётган саноат корхоналари ишчи хизматчилари меҳнат унумдорлиги бўйича саноатнинг бошқа тизимидаги корхоналарига ўрناк бўлиб келган. Енгил саноат корхоналари хисобланган пахта заводлар ва артеллар ишчи хизматчиларининг меҳнат шароитлари 2- жаҳон урушидан кейинги даслабки йилларда талаб даражасида бўлмаган.Чунки совет ҳукумати бу даврда асосий эътиборини уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш жараёнларига қаратган. Фақатгина1947- йилдан кейинги йилларда совет саноат тизимида фаолият олиб бораётган ишчи-хизматчиларнинг моддий турмуш тарзида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бу жараёнлар ишчи -хизматчилар учун тўланадиган иш ҳақларининг миқдорини кўпайишида ва уларнинг соғликларини тиклаш учун турли соғлиқни сақлаш муассалари ва сихатгохлар, дам олиш уйлари фаолиятини йўлга қўйилишида акс этган. Ойлик иш ҳақларини миқдорининг кўпайиши ишчиларга турмуш учун керакли бўлган уй –рўзғор буюмларини сотиб олишга бўлган харид қувватини бир оз ошиш имкониятини яратган. Хусусан 1947-1948 йилларда



Наманган вилоятидаги енгил саноат корхоналарининг ишчи хизматчилари ойлик маошлари хисобидан радио жихозлари ва велосипедлар сотиб олишлари миқдори ортган.

Шунингдек вилоятда фаолият олиб бораётган енгил саноат корхоналари ишчи хизматчилари ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этиб борилган. Хусусан 1951-1952- йилларда Наманган вилоятида мавжуд енгил саноат корхоналарининг ишчи хизматчилари ўртасида ўртасида велопойга мусобақалари ва шахмат – шашка мусобалари ташкил этилган. Масалан 1951-йил июн ойида Наманган шаҳридаги «Спартак» спорт жамиятининг ташаббуси билан вилоятдаги артеллар ўртасида шахмат- шашка мусобақаси ташкил этилган. Ушбу мусобақанинг дастлабки босқичи артелларнинг ўзида ўтказилган. Дастлабки босқичда ғалаба қозонган ғолиблар вилоят босқичига йўл олган.

Наманган вилоятининг йирик артелларидан бири бўлган «1- беш йиллик»да июн ойининг биринчи ҳафтасида ўтказилган мусобақада 8 нафар шахматчи ва 8 нафар шашкачи мувафаққиятли қатнашган. Мусобақа якунида артел ишчиларидан Ғ.Қаҳҳоров шахмат бўйича 14 та ўйиндан 13 тасида ғалаба қозониб, 1-ўринни эгаллаган. Ҳамда, вилоят босқичига йўл олган. С.Холматов 11 та ўйинда ғалаба қозониб, 2- ўринни эгаллаган. Шашка мусобақасида Б.Сувалов ва Б.Мақсудовлар мувафаққиятли қатнашиб, Б.Сувалов вилоят босқичига йўл олган.

1952 йил сентябр ойининг дастлабки ўн кунлигида Наманган «Облпромсоюз» ва «Облинкоопсоюз» тасарруфидаги артелларнинг ишчи хизматчилари ўртасида велопойга мусобақаси ташкил этилган. Велопойгани ташкил этиш ишларида артеллардаги кўнгилли спорт жамиятларининг ҳиссаси катта бўлган. Ушбу мусобақа якунида маррага биринчи бўлиб етиб келган «Маданий турмуш» артели вакили М.Ваҳобов 1-ўринни «Сталин» номли артел вакили А.Жўраев 2- ўринни, «Киров» номидаги артел вакили Б.Абдуллаев 3-ўринни эгаллаган. Мусобақа ғолиблари «Вилоят физкультура ва спорт жамияти»нинг 1, 2, 3 – даражали дипломлари билан тақдирланган.

Бундан ташқари енгил саноат корхоналарининг ишчи хизматчиларининг соғликларини тиклаш мақсадида «Вилоят касаба уюшмалари союзи (Облпрофсоюз)» томонидан вилоятдаги ва республикадаги сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилган. Масалан 1950 йилда Чортоқ туманида жойлашган сиҳатгоҳ қайта жихозланиб янгидан ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу сиҳатгоҳда мавжуд маъданли шифобахш сувдан физотерапик даволаш муолажаларида унумли фойдаланилган. Вилоятдаги енгил саноат корхоналаридаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари тавсияси билан ишчилар ушбу сиҳатгоҳга даволанишга юборилган. Шунингдек, ишчи хизматчиларнинг фарзандлари учун ёз мавсумида лагерлар ташкил этилган. Хусусан,



1949- йилнинг ёз мавсумида «Вилоят саноат суғурта кассаси (Облпромстрахкасса)» томонидан вилоятдаги барча артел ишчиларининг фарзандлари учун ёзги таътил даврида «Ёзги лагер» ташкил этилган. Ушбу лагер Наманган шаҳри Аҳси кўчасидаги боғда жойлашган бўлиб, унинг учун 70 минг рубль, ётоқ жойларни ҳозирлаш учун темир кроватлар сотиб олиш учун 50 минг рубль миқдорида маблағ ажратилган. Лагерда ишчи хизматчиларнинг фарзандлари 21 кун давомида таътилни мароқли ўтказиши мумкин бўлган.

Хулоса

2- жаҳон урушидан кейинги йилларда совет давлатида вайрон бўлган халқ хўжалиги тизимини қайта тиклаш жараёнлари жадаллик билан амалга оширилди. Бу жараёнда мамлакатдаги барча моддий ва маънавий кучлар айнан шу жараёнга жалб этилди. Саноатнинг турли тизимларида фаолият олиб бораётган ишчи хизматчиларнинг меҳнат шaroитлари уларнинг моддий турмуш тарзи талаб даражасида бўлмаган. Айнан шу даврда ғарб давлатларида “фароғат давлати” деб аталган ислохотлар даврига тамал тоши қўйилган бўлиб бу ислохотларда саноатнинг турли жабхаларида фаолият юритаётган ишчи хизматчиларнинг моддий турмуш тарзини ривожлантириш уларнинг харид қувватини ошириш бўйича ислохотлар ҳам ўз аксини топган эди.

Совет Иттифоқининг бир қисми бўлган Наманган вилоятида жойлашган енгил саноат корхоналарининг ишчи хизматчиларининг меҳнат шaroитлари ва уларнинг моддий турмуш тарзи республиканинг бошқа вилоятларидаги ишчи хизматчилар меҳнат шaroитларидан тубдан фарқ қилмаган. Ўтган асрнинг 40-50- йилларидаги даврий матбуот нашрларидаги мақолаларни ўрганиш жараёнида енгил саноат корхоналари ишчиларининг меҳнат шaroитлари ва уларнинг моддий турмуш тарзи ҳақида маълумот берувчи мақолалар кам сонли эканлиги ва уларда келтирилган маълумотлар ҳам умумий маълумотлар эканлигини гувоҳи бўлдим.

Саноат корхоналари ишчилари орасида коммунистик мафкурани кенг ёйиш ва мустахкамлашда хатто ушбу тизимдаги саноат корхоналарининг ишчи хизматчилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Гарчи Коммунистик мафкурага асосланган жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ишчилар қатлами ҳисоблансада то совет даврининг якунига қадар ҳам совет ишчиларининг моддий турмуш тарзи ғарб мамлакатларидаги ишчиларнинг моддий турмуш тарзига нисбатан анча паст даражада қолаверган.

Фойдаланилган адабиётлар:



1. Наманган вилояти матлубот уюшмаси хабарлари.// Сталин ҳақиқати.- 1948 йил апрель-№ 124 Б-2

2. Артеллараро шахмат шашка мусобақаси.// Н.Шариф. Сталин ҳақиқати -1951- йил июн -№114-Б-3

3. Артелчи велосипедчилар пойгаси.// М.Хамидий Сталин ҳақиқати- 1952- йил сентябр -№193- Б-3

4. Чортоқ санаторияси яна иш бошлади.// Сталин ҳақиқати -1950 –йил июнь-№154 –Б-3

5. Артел хунармандлари фарзандлари учун лагер ташкил этилди.// Сталин ҳақиқати- 1949 йил июн -№145-Б-3

